Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 14 май, жума

Нархи: 10 сўм

№ 88 (21.439).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

12 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, корпорациялар, уюшмалар ва концернларнинг, ҳудудий бошқарув идораларининг раҳбарлари, вилоятларнинг ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

1993 йилнинг биринчи чорагида халқ хўжалигини ривожлантириш якунлари ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётгани ҳақида Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов маъруза қилди.

Мажлис қатнашчилари иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, базор иқтисодиётини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни, иқтисодиётни барқарорлаштириш чора-тадбирларини муҳокама қилдилар. Озиқ-овқат таъминоти, аҳолига маҳсулот ва молларнинг муҳим турларини етказиб беришда узилишга йўл қўймаслик масалалари республика раҳбарияти ўтказаётган ижтимоий сиёсатда асосий ўринни эгаллаб тургани таъкидланди. Халқ хўжалигидаги аҳволни меъёрий изга солишнинг аниқ вазифалари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев иштирок этди.

(ЎзА).



Суратда: мажлис пайти.



Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

ФРАНЦИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни таниқли тадбиркор, машҳур «Адидас» компаниясининг асосчиларидан бири, ўзбек-француз амалий алоқаларини ташкиллаштирувчи Эндрю Гельфи бошчилигидаги француз ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

Ислом Каримов жаноб Гельфи Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади ва айни пайтда ўзининг яқинда Германияга қилган сафари ҳақида тўхталиб, олмон ишбилармонлари Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билан қараётганини қайд этди.

— Аммо Франциядек буюк мамлакат билан амалий алоқаларимиз ҳозирча кутилган даражада бўлмаяпти, — деди Президент, — Ўзбекистон ҳукумати ва халқи кўхна тарихга ва жаҳонда ўзига хос мавқега эга бўлган француз халқи билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришни истайди.

И. Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ва француз ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлган соҳалар — сайёҳлик, қурилиш, пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати, банк хизматининг истиқболли жиҳатлари хусусида сўзлаб берди.

— Мен кейинги пайтда қанчалик француз бўлсам, шунчалик ўзбек ҳам бўлиб қолдим, — деди Эндрю Гельфи. — Бир неча йилдан буён Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини ўрганиб келаман. Шу боис бу гал ўзим билан пахта, қурилиш, шакар саноати ва молия мутахассисларини бирга олиб келдим. Яқин кунларда француз ишбилармонларининг яна бир гуруҳи Ўзбекистонга келади. Бу ерда меҳмонхоналар, фармацевтика, шакар заводлари қуриш ниятидамиз. Мақсадимиз — икки халқ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан-Поль Везиан ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ДИЛЛАРГА МУРОЖААТ

Президентимиз И. А. Каримов Республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида Тошкент Давлат университети профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари ва талабаларининг матбуотда босилиб чиққан мурожаати ҳақида илиқ фикр билдириб, ундан қуйидаги парчани ўқиб берди: «Биз мустақиллигимизни эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салтанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари ададсиз, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмисол бу ўлка ҳалол, очиқкўнгил, меҳмондўст ва айни пайтда меҳнаткаш халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди».

Булар «жуда тўғри ва одамнинг юрагига етиб борадиган сўзлар» деб таърифлади Президентимиз ва эски партия, совет тўрачилигини соғиниб қолган, отдан тушса ҳам эгардан тушмай келаётган, собиқ иттифоққа қайтиш ҳақидаги гоҳ очиқ, гоҳ пинҳон гаплар, ҳаракатлар қилаётган баъзи кимсаларга қарши юқоридаги сўзларни келтирди ва «орқага қайтиш йўқ». «Йўл битта — олға юриш» — дея янг бир бор қатъий узил-кесил айтди.

ТошДУ жамоасининг мурожаати ҳақида илиқ фикр айтган юртбошимиз, айни чоғда, кейинги пайтларда расм бўлиб кетаётган бир ҳолга — республика Президентига садоқат изҳор этувчи хату мурожаатлар кўпайиб бораётганига таассуф билдирди, бир киши шахсини улуғлаш гарчанд самимий, яхшилик мақсадида қилинаётган бўлса-да аслида душманликдан бошқа нарса эмаслигини огоҳлантирди, нимаики яхши, маъқул ишлар қилинаётган бўлса, раҳбарлик, фарзандлик бурчини бажараётганини таъкидлаб, ҳар қанча таъзим, илтифот бўлса меҳнаткаш, бардошли халқимизга бағишлаш кераклигини уқтирдилар.

Халқ Президентимизнинг ёзувчилар билан учрашувдаги, Олий Кенгаш сессиясида сўзлаган нутқларини хурсанд бўлиб гапириб юрганига кўпимиз гувоҳмиз. У кишининг мана шу мардона гапи ҳаммамизни тўлқинлантирди. Негаки, кўпчилик анчадан бери баъзи бировларда хушомадгўйликка мойиллик иллатларини сезиб, бу пировардида яхшиликка олиб келмаслигини билиб, бирор нарса дейишга истиҳола қилиб юрарди. Одамлар дилида, тилининг учида турган гапни Президентнинг ўзлари айтдилар, очиқ, қаттиқ ва ўрнига қўйиб айтдиларки, буни чет эл радиостанциялари шарҳчилари ҳам эътироф этишмоқда. Юртбошимизнинг ТошДУ жамоаси мурожаатини ажратиб кўрсатиб юқори баҳо бергани университет аҳли кўнглини тоғдек кўтариб илҳомлантириб юборди.

Сайди УМИРОВ,
ТошДУ журналистика факультети декани.

• *ХДП ҳаётидан* •

ОЧИҚ МУЛОҚОТ КУНИ

Одамларнинг сиёсий онги ошиб бормоқда. Илгариги даврда омма билан гаплашишнинг турли воситалари мавжуд эди. Хусусан, ягона сиёсий кун ва ҳар ҳафтада ўтказиладиган сиёсий ўқув каби турли мафкуравий усуллар партиявий ишнинг ажралмас қисми бўлиб қолганди. Бунинг ижобий томони шундаки, шу орқали фаоллар халқ орасига кириб, кишилар дилидагини илғаб олишга эришардилар. Оддий одамлар билан раҳбарларни яқинлаштирарди.

Партиянинг ўтмишдаги яхши анъаналарини давом эттираётган ташкилотлар ҳозир ҳам бор. Бундай усул зарар келтираётгани йўқ. Китоб район ҳокимлиги ва ХДП район кенгаши яқиндан бошлаб «Очиқ мулоқот куни» ўтказмоқда. Ҳар ойда бир марта — жума куни ўтказилаётган бу тадбир маҳаллий раҳбарият билан оддий меҳнаткашлар ўртасида кўприк вазифасини ўтаяпти.

Ўтган ойда район хўжаликлари ва ташкилотларида «Мақсад — аҳолини ижтимоий ҳимоялаш» мавзусида «Очиқ мулоқот куни» ўтказилди. Бунда ҳокимият ва партия ташкилоти раҳбарлари меҳнаткашлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов фармонларининг бажарилиши хусусида суҳбатлашдилар. Жойлардаги нуқсонлар ва уларни тузатиш йўл-йўриқлари тўғрисида фикр юритилди.

Яқинда ўтказилган «Очиқ мулоқот куни» Ғалаба куни ва ҳеч нарса унутилмайди» деб номланди. Район ҳокими Озод Пармонов «Наврўз» давлат хўжалигида, ҳоким ўринбосари Усмон Валиев шаҳар ташкилотларида, ХДП район кенгашининг биринчи котиби Содиқ Наъматов Жовли Турдиев номли жамоа хўжалигида, ҳоким ўринбосари Чоршанбу Шоназаров «Навбаҳор» давлат хўжалигида бўлиб, «Очиқ мулоқот куни»да қатнашдилар.

— Мулоқот кунларида чуқур ва мазмунли савол-жавоблар бўляпти, фойдали фикр-мулоҳазалар юритиляпти, — дейди район ҳокими О. Пармонов. — Одамлар тушуниб қолишди. Энди улар асосий эътиборни маҳаллий ҳокимият қурби етадиган, уддалай оладиган масалаларга қаратмоқдалар. Масалан, бозор ва савдода тартиб ўрнатиш, аҳолига медицина, маиший ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бизнинг кундалик ишимиздир. Шунингдек, Президент фармонларининг ижроси тилга олинаяпти. Албатта, булар ҳам кундалик ечимини топадиган ҳаётий масалалардир.

«Очиқ мулоқот куни» жараёнида шаҳар ва қишлоқларда халқ билан яқинлашишнинг яна бир имконияти яратилди. Бу халқ таълими ходимлари билан яқинлашишдир. Энди ҳар ойда бир марта «Мактаб куни» ўтказиладиган бўлди. Шу куни ота-оналар, раҳбарлар мактабларга бориб, ўқитувчилар билан мулоқотда бўладилар ва уларнинг муаммолари, таълим-тарбия сифатини ошириш билан атрофлича қизиқадилар. Бу ҳам мафкуравий ишда фойдали усул бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Бу йил атоқли ҳуқуқшунос олима, давлат арбоби, академик Х. Сулаймонова туғилган кунга саксон йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу муносабат билан Х. Сулаймонова таваллудининг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев раислигида юбилейни ўтказиш комиссиясининг таркиби тасдиқланди. Комиссия таркибида республика адлия вазири А. Мардиев, республика Олий судининг раиси У. Мингбоев, республика Бош прокурори Б. Мустафоев, республика ички ишлар вазири З. Алматов, Конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев, Республика Президенти ҳузуридаги жаҳон муаммолари институтининг директори вазифасини бажарувчи А. Саидов, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг бош директори М. Ҳазратқулов, юридик фанлари доктори, профессор М. Босикова, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг юридик масалалар бўйича етакчи консультанти Ҳ. Одилқориев.

Комиссия юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишга киришди.

(ЎзА).

• *Янгиликдан хабарингиз борми?* •

БУХОРОНИНГ «ҚОРА ОЛТИН»И

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИДА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошидан кечираётган қийинчиликларнинг сабабларидан бири ёнилғи-мойлаш материалларининг четдан олиб келинаётганлигидир. 30-йилларда қурилган Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи республика халқ хўжалиги эҳтиёжининг ярмини қондира олади холос. Қолган маҳсулот Россия федерациясидан келтирилмоқда.

Ваҳоланки, Ватанимиз табиий ёнилғининг катта ер ости заҳираларига эга. Қидирув ишлари Кўкдумалоқ конининг шундай бой манбаларидан бири эканлигидан далолат бермоқда. Уни тўла қувват билан ишга тушириш мамлакатда ёнилғи-мойлаш материаллари муаммосини ҳал қилишга имкон беради.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти И. Каримов Бухоро вилоятида янгидан ташкил этилган Қоровулбозор туманида нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур мавзенинг йирик корхона қурилиши учун танланиши бонси ҳам унинг нефть конига ҳамда йирик саноат комплекси бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводига яқин жойлашганидир. Бу хом ашё, энергияни узатиш, темир йўл ва автомобиль магистраллари қурилиши харажатларини кескин қисқартиришга имкон беради

— Айни пайтда бўлажак завод учун майдон танланиб, лойиҳалаш ишларига киришилди, — дейди биз билан суҳбатда қурилажак корхона директори Анвар Ражабов. — Завод 300 гектар майдонни эгаллайди. Уни қуриш учун камида 50—60 миллиард сўм маблағ керак...

Директорнинг таъкидлашича корхонани лойиҳалашга киришилган. Бу ишни Ўзбекистон нефт-газ корхоналарини лойиҳалаш институтининг В. Домахин бошлиқ муҳандислар гуруҳи амалга оширмоқда.

Жаҳон тажрибаси йилига 5 миллион тоннагача нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлган бундай йирик корхонани қуриш учун камида уч йил муддат лозимлигини кўрсатяпти. Аммо бош пудратчиликни зиммага олган Бухоро газ саноати қурилиши трести жамоаси ёрдамчи пудрат ташкилотлари кўмагига таяниб, бу муҳим иш муддатини икки баробар қисқартириш ниятида.

Қурувчиларга хориж фирмалари ёрдам беришади.

Хуллас, яқин йиллар ичида Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи маҳсулот бера бошлагач, мамлакатимизда ёнилғи-мойлаш материаллари муаммоси кун тартибидан олиб ташланади.

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Шу сонга телеграмма* •

ТОШКЕНТ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

Мустақил Ўзбекистонимиз ижтимоий ҳаётининг кўзгуси, ўзбек халқининг севимли газетасининг Наманган районида ҳам бир минг тўрт юзга яқин мухлислари бор. Газетанинг 75 йиллиги олдидан ҳамда ғалаба байрамига бағишлаб ўтказилган учрашуви муштарийларнинг катта байрамига айланди.

Биз севимли газетамизни республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда жонкуяр ва толмас курашчи, ватанпарварлик ғояларини янги мазмунда шакллантирувчи ҳамда Халқ демократик партияси дастурий мақсадларининг фаол тарғиботчиси деб ҳисоблаймиз ва унинг келгусидаги ишларига зафарлар тилаймиз. Газетамиз орқали Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси, Президентимиз И. А. Каримовга республикамизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик йўлидаги тинмай қилган меҳнати учун миннатдорчилик билдирамиз. Овозинг бундан ҳам янгроқ бўлиб, бутун диёр бўйлаб жаранглайверсин, «Ўзбекистон овози»

Наманган районидаги «Ижодкор» агрофирмаси меҳнат жамоаси, Ирвадон ва Ғирвон қишлоқ кенгаши уруш фахрийлари.

СИФАТЛИ ТОЛА —ХОРИЖГА

Хазорасп пахта тозалаш заводида ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 14 минг сўмга чиқди.

Заводдаги 500 нафар ишчи-хизматчининг 121 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. 8 Март байрами муносабати билан уларга 700 сўмдан мукофот пули берилди. Наврўз байрамида ҳам жамоанинг ҳар бир ишчиси 500 сўмдан 1000 сўмгача пул билан тақдирланди. Меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда кўп болали оилаларга ҳам баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундай ғамхўрликка фидойилик билан жавоб қайтариш яхши фазилат. Пахта тозаловчилар шу йилнинг биринчи чорагида 1776 тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқарди.

Корхона маъмурияти ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим омил бўладиган гиламчилик, тикувчилик, тунукасозлик, темирчилик, нотўқима материаллар ишлаб чиқариш цехи, икки гектарлик иссиқхона сингари ўндан ортиқ ёрдамчи тармоқлар фаолиятини ҳам намунали йўлга қўйган. Ёрдамчи бу тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда моддий даромадни оширишда муҳим манба бўлиш билан бирга, неча ўнлаб ишчиларни юмуш билан таъминламоқда.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Қарор ва ижро* •

СЕРГАКЛИК ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

ФАРҒОНА. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарори юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди. Вилоят ҳокимлигида махсус назорат гуруҳи ишлаб турибди. Бу гуруҳ аъзолари аҳволни доимий таҳлил қилиб, вазиятни бошқармоқдалар. Вилоят марказий банк бошқармаси, корхона ва муассасалар раҳбарлари омма ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб боряпти.

Вилоятнинг бошқа республикалар билан чегарадош шаҳар ва районларида айниқса сергаклик оширилган.

— Божхона хизмати билан ҳамкорликда 55 та чегара посбонликлари ташкил қилдик, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш. Рўзматов. — Улар кечаю кундуз ишламоқдалар. Бу тадбир ўз самарасини бермоқда. Дастлабки уч кун ичида қўшни Қирғизистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётган қарийб 16 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мурувватли кишилар* •

БИРИНГГА МИНГ БЕРСИН

Фермерлар оиласининг бошлиғи Чўтбой Худойбердиев асли ўқитувчи. «Манас» давлат хўжалигига 1967 йилда Зоминдан келганди. 4—5 йил директорга муовин бўлиб ишлади. Янги хўжаликни ташкил қилиш, ишларни маромига солиб юборишда кўмакчи бўлди.

Ишни ўйлаб, соғлиғига эътибор бермаганидан тоби ҳам қочди. Шу бўйди-ю, мана йигирма йилдирки, унинг оёқлари измига бўйсунмайди. Лекин иродаси мустаҳкам экан руҳан эзилиб, тушкунликка тушмади. Турмуш ўртоғи Советхон ва фарзандлари унга қўл-қанот, парвона бўлдилар.

Чўтбой ака ўзини бадиий ижодга «урди». Шеърлар битди. Улар Қирғизистон республикаси газета ва журналларида босилиб чиқди. Чунки, у таълимни Қирғизистонда олган. Бишкекдаги дорилфунуннинг қирғиз тили ва адабиёти факультетини тугатган. Бир неча йил муаллимлик ҳам қилган.

Зеро, у бугун замонга хос ишга қўл урди. Фермерлик ташкил этганида кўпчилик ажабланди. Ногироннинг иши юришиб кетишига ишонқирамаганлар ҳам бўлди. Ота маслаҳатини ўзига дастур деб билган фарзандлар Чўтбой аканинг юзини ерга қаратиб қўйишмади. Ишлар, югур-югурлар, хуллас барча юмушлар қанчалик оғир бўлмасин, ота айтганидай қилиб уддалашга уринишди. Натижада иш жойидан осон силжиди. Фермерлик аста-секин даромад берадиган соҳага айлана борди.

Мана бугун уларнинг оиласида кам-кўсти йўқ. Болаларини еб-ичардан, кийиш-юришдан қийинчилик сездирмаётгани учун ҳам фермерлар оиласи бошлиғининг кўнгли чоғ. Тўғри, юмушни асосан болалар уддалашаётир. Аммо Чўтбой аканинг ҳам иши кўп.

— Етакчи ҳам ямоқчидек гап. Чоки кетган жойни дарров бекитмаса ишнинг мазаси кетади, — дейди у.

Дарвоқе, фермер, ЎзХДП аъзоси Чўтбой Худойбердиевлар оиласининг яхши бир ишидан «Саодат» ва «Ойчурек» болалар боғчаларининг болакайлари жуда хурсанд бўлишди. Бу иш — ушбу оиланинг ўзларидан орттирган мазкур икки боғча тарбияланувчиларига 150 минг сўмлик бепул совға ҳадя этишгани бўлди.

Албатта, Чўтбой акадек ногирон инсоннинг кўрсатган бундай мурувватли кўпларни ҳайратга солди. Оқсоқоллар бутун қишлоқ аҳли номидан: «Сизлар болаларимизга бирни берсангиз, Оллоҳ сизга мингни етказсин. Касб-корингиздан, меҳнатингиздан барака топинглар!» — деб дуо қилдилар.

Т. СОЙНАЗАРОВ,
И. ЖОНУЗОҚОВ,
Дўстлик туманн.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати — иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси тасарруфига оид бўлган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мазкур Қонунга мувофиқ ўзининг ваколатига кирувчи давлат ва хўжалик бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

2-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади.

3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

II. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА УНИ ТУЗИШ

4-модда. Вазирлар Маҳкамаси таркиби ва уни тузиш тартиби

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари кирадилар.

Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

5-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чора-тадбирлар кўради.

III. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БОШҚА ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

6-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан муносабатлари

Янги тузилган Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун ўз ваколатлари давридаги фаолияти дастурини тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгаришларни ишлаб чиқади ҳамда Олий Мажлиснинг тасдиғига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз иши тўғрисида Олий Мажлис олдида ҳисоб бериб туради.

Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси алоҳида аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат ёки хўжалик бошқаруви органи фаолияти масаласи юзасидан ҳисоботини эшитиши ҳамда зарур бўлганда унинг истеъфога чиқиши тўғрисида Президент кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Олий Мажлис йиғилишларида, унинг қўмиталари ва комиссиялари йиғилишларида қатнашиш ва ахборот бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлиснинг депутатлари Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг алоҳида аъзолари фаолиятига доир сўров билан мурожаат қилганларида, улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлисларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдирлар.

8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш масалалари бўйича бошқа актларининг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади;

тармоқлараро ва минтақавий энг муҳим комплекс дастурларни амалга оширишда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ва миллий ривожлантиришга, унинг миллий бойликларидан оқилона фойдаланишга тааллуқли масалалар ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

9-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан муносабатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида:

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг бажарилишини назорат қилади, уларни бажариш юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф этиш ва уларнинг ахборотини тинглашга ҳақлидир;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди, бунда келиб чиқадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият аппаратининг сони ва намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир.

IV. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АСОСИЙ ВАКОЛАТЛАРИ

10-модда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади;

хўжалик юритишнинг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини ва мудофаа қудратини ошириш, давлат чегараларини қўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади:

давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, катта аварияларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги ваколлигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради;

ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

11-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларига раҳбарликнинг умумий масалалари

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг фаолиятини устидан назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг актлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

V. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТАРТИБИ

13-модда. Фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларидагина қарор қабул қилинадиган масалалар

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида давлат бошқаруви, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади.

Фақат Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида қуйидагилар кўриб чиқилади:

Ўзбекистон Республикаси бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ихтиёридаги бюджетдан ташқари давлат жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзи кўламлари тўғрисидаги таклифлар;

солиқ ва давлат божларининг ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги таклифлар;

белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати;

қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлисга киритиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари;

давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисида таклифлар.

14-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини ўтказиш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир ўтказади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби билан белгиланади.

15-модда. Бош вазир

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади.

Бош вазир:

Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, кейинчалик бу масала Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Вазирлар Маҳкамаси Раисининг топшириғи бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

16-модда. Бош вазирнинг ўринбосарлари

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ ўзлари раҳбарлик қиладиган тармоқлардаги ишларнинг аҳволи учун жавоб берадилар, улар тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

Вазирлар Маҳкамаси хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳайъатлари аъзоларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари бошқарувлари аъзоларини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамаси зарурият бўлганда давлат бошқарувининг ўз ваколатига кирувчи айрим масалалари ҳал этилишини, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонунчилик билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг мутлақ ваколатига киритилмаган бўлса, вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг ўзига бўйсунувчи бошқа органларига бериши мумкин.

17-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари

Вазирлар маҳкамасининг аъзолари:

ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар;

Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этадилар;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишлари мумкин;

корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда бошқа пул тўланадиган лавозимни эгаллаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмаслар.

18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати

Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари қарорлар, фармойишлар ва баён қарорлар шаклида чиқарилади.

19-модда. Вазирлар Маҳкамасининг доимий, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссияларни тузади ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин.

20-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида чиқарилади.

Шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида чиқарилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса — оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

21-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини тайёрлаш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг аппарати фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати ва унинг бўлимлари тўғрисидаги низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати асосий таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари Бош вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Министрлар Совети тўғрисида» 1978 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 36, 527-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ИЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 6 май.



МУНОСИБ ҲИССА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлигидан сўнг юртимизда кўпгина ўзгаришлар юз беряпти. Айниқса ўзимизда етиштирилган мева-сабзавотни қайта ишлаш масаласи ҳамиша муаммо бўлиб турарди. Ўзда фақатгина Тўрақўрғондаги қуруқ мевани қайта ишлаш корхонаси ишлаб турарди. Хом ашёнинг асосий қисми собиқ Иттифоқ республикаларига, шимолга жўнатиларди.

Эндиликда республикамизда консерва заводлари кўпайиб бормоқда. Биргина Тошкентдаги янги консерва заводида миллионлаб шартли банка маҳсулот тайёрланаётир. Бундай корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар фақат Ўзбекистон халқига эмас, балки чет элларга ҳам етказиб берилаётир.

Самарқанд вилояти матлубот жамиятига қарашли консерва заводида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам сифатлилиги билан ажралиб туради. Ана шу маҳсулотларни корхонанинг кўплаб илғор ишчилари тайёрламоқдалар. Дилфуза Мустафоева ана шулардан бири. У ҳамиша ўз ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб ишлайди. Цехда кунига 10 тоннадан зиёд қуруқ мевани қайта ишлаб, идишларга жойлаштиришда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юқоридаги суратда илғор ишчи Дилфуза Мустафоева. Тошкентдаги «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам илғорлар сафи кенгайиб бораётир. Ана шундай чеварларнинг ғайрат-шижоати туфайли халқимизга кўплаб бежирим кийим-кечаклар тортиқ этилмоқда. Бу албатта мамлакатимиз бозорини барқарорлаштириш, дўконларда маҳсулот сероблигини таъминлаш йўлидаги ҳаракатлардир. Корхонанинг биринчи цехида тажрибали ишчи Марғуба Комиловани кўпчилик ҳурмат қилади. У 10 йилдан бери шу корхонада ҳалол, виждонан меҳнат қилади. Кўплаб ёшларга устозлик қилди. Шу боис унинг обрў-эътибори тобора ошиб бораётир.

Пастдаги суратда: Марғуба Комилова шогирди Нафиса Абдуллаева билан.

Г. АЛИЕВ ва В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



ЯХШИ НИШОНАЛАР

Халқимизда бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади, деган мақол бор.

Ўзбекистон Республикаси Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамоаси кенгаши ва АҚШ Черковлар Усулий Бирлашмаси ўз аро келишувига кўра, бир гуруҳ америкалик меҳмонлар яқинда Тошкентга келишди. Улар соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий хайр-эҳсон соҳаларининг мутахассислари бўлиб, мақсад Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг экологик шароитдаги минтақаларига ёрдам беришнинг аниқ лойиҳаларини ўзаро келишиб олиш эди.

Делегация таркибида ЧУБ марказий бошқармасида медицина лойиҳалари бошқармасининг раҳбари Кэти Лайонс, ЧУБ қўмитасида инсоний ёрдам кўрсатиш борасидаги ижтимоий ривожланиш лойиҳаларини тузиш бошқарувчиси Роберт Джонс, ЧУБ соғлиқни сақлаш қўмитасининг раиси Дэниэл Черч, врач мутахассислари Роберта Бауэр ва Джоан Кливлендлар ташриф буюришди.

Меҳмонлар Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, Орол денгизининг обҳаво, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига кўрсатаётган таъсири оқибатларини ўргандилар. Нукус шаҳридаги марказий касалхонага ёрдам кўрсатишни ўз дастурларига киритдилар. Делегация Ўзбекистон Республикаси Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамғармаси кенгаши масъул ходимлари билан самарали суҳбатлашди. Кенгаш раисаси, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева меҳмонларни Ўзбекистон Республикасида мустақилликка эришилгандан кейинги вақт мобайнида Республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, келажаги, Кенгашнинг мақсад ва вазифалари, олиб бораётган ишлари билан таништирди.

Делегация раҳбари Кэти Лайонс Ўзбекистон Республикасида мўътадил ҳаётни, аҳоли тинчлигини сақлаш, инсон сиҳатини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлади. Шу соҳада ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот номидан Ўзбекистон Республикаси Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамғармаси кенгаши билан доимо ҳамкорлик қилиш, Орол болаларига тиббий, инсоний ёрдам кўрсатиш истагини билдирди.

— Она сайёранинг турли қитъаларидаги фарзандларини инсонга меҳр-муҳаббат ҳамжиҳат қилиб, бир-бирига боғлаб турса, она заминда мувозанат бўлади, — деди ўз сўзида О. Ҳожиева.

Халқаро Тинчлик Жамғармалари Ассоциацияси, Ўзбекистон Тинчлик ва Ҳамжиҳатлик жамғармаси ва АҚШ Черковлар Усулий Бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик яхши нишоналар бешишига ишонамиз.

Комил ЭШЧОНОВ,
Кенгаш раиси биринчи муовини.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 24


1993 йил 14 май.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

КЎПКАРИГА МАРҲАМАТ!

Эшитмадим деманглар! Шу йил 20 май — пайшанба куни Нуробод туман отчопарида «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллигига бағишланган катта кўпкари бўлади. Мусобақа ташкилотчиси — Нуробод туман ҳокимлиги ғолиб чавандозлар учун битта туя, битта ҳўкиз, 20 бош қўчқор ва 100 та қимматбаҳо совға ажратди.

Юрагида қўри, ғайрати жўш урган азамат чавандозлар, кўпкарига марҳамат!



Бизда не кўп,
бизда қир, тоғ кўп
Яйловлар бор,
отлар чамани.
Қирчанғилар
ортингда тўп-тўп
Улоқ сенда
ўзбек самани!

Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси ишлаб чиқарган автомашиналар Андижонда сотила бошланди

Бизда автомобилларга бўлган талаб катта. Бироқ, собиқ Иттифоқ парчалангач, Россия Ўзбекистонга автомобиллар бермай қўйди. ДЭУ корпорацияси шуни ҳисобга олиб республикамизга, жумладан, Андижон вилоятига 3 хил енгил ва кичик юк автомашиналари юборди. Корпорация қўшма корхона битгунга қадар шундай автомобиллар жўнатиб туради.

Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг Жанубий Кореяга қилган расмий ташрифининг, икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш бўйича тузилган шартноманинг амалда бажарилишидир. Андижон техника хизмати корхонасининг директори Содиқжон ТОШМАТОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Андижон вилояти Жанубий Кореядан аҳолига сотиш учун қанча автомобиль олди?

— Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик давлат концерни ДЭУ корпорацияси билан тузган дастлабки шартномага кўра республикамизга 3 мингта «ЭСПЕРО», «РЕЙСЕР», «ТИКО», «ЛАБО», «ДАМАС», деб номланган енгил автомобиль, юк машиналари, кичик автобуслар келтирди. Шундан 300 таси Андижонга берилди.

— Бу автомобилларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масаласи қандай бўлади?

— Тошкентда таъминот базамиз мавжуд. Бу ерга етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар келтириб қўйилди. Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобилсозлик давлат концерни бошқаруви раиси А. Юсупов бу масала билан жиддий шуғулланяпти.

— Андижонда Жанубий Кореядан келтирилган автомобилларнинг «тили»ни биладиган, уларни тузата оладиган мутахассислар борми?

— Корхонамиз ишчиларидан икки нафари Кореяда, яна икки нафари Тошкентда мазкур автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича ташкил этилган курсларда ўқиб келишди. Улар Корея машиналари билан бемалол «тилтаниш» оладилар. Корхонамизда улар учун алоҳида жой тайёрлаб қўйдик, хизмат кўрсатиш сифати кафолатланган.

— Автомобиль сотиб олмоқчи бўлган харидор кимга мурожаат қилиши керак?

— Машиналар ҳам пулига яраша: чиройли, жуда қулай ва ишончли. Кам бензин сарфлайди. 100 километр масофага 3,5 литр бензин кифоя. Бензинни исроф қилмайди, атроф-муҳитни булғамайди, кондиционер-совутгичлари бор. Бошқарув рули бизлардаги каби чап томонга ўрнатилган. Нархи масаласига келсак, улар жаҳон бозорида шундай автомобилларга нисбатан анча арзонроқ.

— Автомобилларни сотиб беришдан ташкилотингиз қандай наф кўради?

— Сотилган машиналардан тушган маблағнинг 3 фоизи бизнинг ҳисобимизга ўтади. Биз уни асосан районлардаги устахоналаримиз, ишчиларимиз шароитини яхшилашга сарфлаймиз. Хуллас, Корея автомобиларини сотиб олганлар ҳам, биз ҳам ютқизмаймиз.

Суҳбатдош:
Анорбой ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЗ КУТАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ ВА АВТОМОБИЛСОЗЛИК ДАВЛАТ КОНЦЕРНИ

Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорациясида ишлаб чиқарилган енгил ва мўъжаз юк автомобилларини МДҲ бозоридаги нархларга нисбатан ЭНГ АРЗОН баҳоларда эркин муомаладаги валюта (СКВ)га сотади.

Савдога қуйидаги автомобиллар чиқарилади:

«ТИКО» ЕНГИЛ АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 143 километр.
— беш ўринли.
— ёнилғи сарфи 100 километрга 4,2 литр.

«ЭСПЕРО» ЕНГИЛ АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 180 километр.
— беш ўринли.
— ёнилғи сарфи 100 километрга 7,4 литр.

«РЕЙСЕР» ЕНГИЛ АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 170 километр.
— беш ўринли.
— ёнилғи сарфи 100 километрга 6,6 литр.

«ДАМАС» МИКРОАВТОБУСИ

— энг юқори тезлиги соатига 115 километр.
— етти ўринли.
— ёнилғи сарфи 100 километрга 4,31 литр.

«ЛАБО» МЎЪЖАЗ ЮК АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 100 километр.
— юк кўтариш қобилияти 550 килограмм.
— ёнилғи сарфи 100 километрга 5,7 литр.

БАРЧА ТУРДАГИ АВТОМАШИНАЛАРГА БИР ЙИЛ ДАВОМИДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАФОЛАТЛАНАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони—2. «Сельхозмаш» концерни.
Телефонлар: 39-17-90, 39-44-42.



"ЎЗСАВДОБАНКИ"

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ САВДО БАНКИ

БАЛАНСИ

1993 йил 1 январгача

Баланс моддалари	сальдо	минг сўм ҳисобида
	актив	пассив
Устав фонди		56575
Резерв фонди		4400
Махсус ва бошқа фондлар		596
Кредит ресурсларни тартибга солиш фонди	78933	
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги корреспондентлик счети	313653	
Мижозларнинг ҳисоб счетлари		588195
Қарзлар бериш	1585021	
Депозит счетлар		121552
Банклар ўртасидаги қарзлар		1203145
Асосий маблағлар	5090	
Дебиторлар ва кредиторлар	44353	32431
Йиллик фойда		20156
Баланс:	2027050	2027050

Баланс ''Ўзбанкаудит'' акционерлик жамияти тэмонидан тасдиқланган.

1993 йил 18-21 май

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Жумҳурият жигар, ўт йўллари ва меъда ости бези хирургияси илмий ихтисослашган Маркази ва "Ўзбегим Интернейшнл" қўшма корхонаси

"МЕДИЦИНА-93"

кўргазмасига таклиф қиладилар

Кўргазмада Англия, Бельгия, Австрия, Италия, АҚШ ва Германия давлатларининг дори-дармонлари ва тиббиёт анжомлари кўрсатилади.

Кўргазманинг иш вақти 10.00 дан 17.00 гача


Кўргазманинг манзилгоҳи: Тошкент, Чилонзор кўчаси, 53"А" (АҚШ элчихонасининг ва ресторан "Чилонзор"нинг рўпорасида)
Телефон: 777-658

Кўргазмага хуш келибсиз !

ДИҚҚАТ!

Ички ишлар органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг масъул ходими

Ҳабибулло Ғайбуллаевич
САЛОМОВ
ҚИДИРИЛМОҚДА



Белгилари: ўрта бўйли — 175 см, қомати ориқдан келган, юзи чўзинчоқ қорачадан келган, кенг пешонали, қошлари қора ёйсимон, бодомқабоқ, қоракўз, мўйловли, лаблари ўрта қалинликда, сочлари қора.

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ: жағининг юқори қисмида тўртта тиши йўқ, эгнида йўл-йўл қоратир костюм, енги узун оқ кўйлак, тўқ жигарранг бўйинбоғ, оёғида Италияда ишланган қора туфли бўлган.

Саломовнинг қаердалиги ёки тақдиридан огоҳ кишилар Тошкентдаги ушбу телефонга қўнғироқ қилишларини сўраймиз: 33-54-58.

Суюнчи ва хабар берувчининг исми-шарифи сир тутилишига кафолат берилади.

Тошкент автомобиль йўллар институти томонидан Солиев Шамсиддин Ҳайдарович номига берилган 906180 рақамли диплом йўқолганлиги муносабати билан

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Урганч шаҳар Қурилиш-саноат банки томонидан берилган 590721дан 590740гача бўлган рақамлардаги (лицевой счет № 281722815) лимитлаштирилган чек йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ислом КАРИМОВ:

Меҳнатсевар, истеъдодли халқимиз энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир. Биз бозор иқтисодиётига ларзасиз сакрашларсиз ўтиш йўлини танлаб олдик. Айни вақтда яна бир муаммони ҳал қилиш, боқибеғамликка чек қўйиш лозим. Бу кайфият жамиятимизда ҳали ҳам кучли. Бироқ бу муаммоларни ҳал қилса бўлади. Мустақил Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмаслигига аминман. Унинг йўли битта, фақат олға бораверади.

ТОШКЕНТ 33-ПОДШИПНИК ЗАВОДИ — «ОСИЁ БОЗОРИ» МЕҲМОНИ

• БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

Табиати гўзал юртнинг одамлари ҳам гўзал бўлади. Ҳозирги кунда олис-яқиндан бепоён мамлакатимизга йўли тушган кишиларнинг қай бири билан гаплашманг, ана шундай фикрни билдиришига шубҳа йўқ. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан ҳам, жонажон Ватанимизнинг хушманзара жойлари, сўлим боғлари, зилол сувлари, баланд тоғларига туташиб кетган ям-яшил кенгликлари ҳамиша меҳмонларнинг қалбига чексиз хаяжон ва қувонч бахш этиб келган. Одамлари ҳам шунга монанд: меҳнаткаш, фидоий, меҳмондўст. Шароит оғир бўлишига қарамай, иқтисодиётимиздаги оғриқ нуқталар унчалик кўзга ташланмаётганлигининг боиси ҳам шунда. Қатор муаммолар етилган бўлишига қарамай, тадбиркорлик туфайли жойларда ишлаб чиқаришдаги узилишларга йўл қўйилмаяпти. Давлат режалари муваффақиятли адо этилмоқда. Ана шундай ишчан, меҳнаткаш корхоналар орасида Тошкентдаги 33-подшипник заводи ҳам бор.

Аслида пойтахти азимдаги бу корхона жудаям машҳур эмас. Аммо унинг подшипниклари ҳаракатга келтираётган қудратли техникалар ҳаммага асқотмоқда. Корхона 1937 йили кичик устахона ҳолида вужудга келди. Йиллар ўтиши билан кенгайиб, ўзининг янги қувватларига, бўлинмаларига эга бўлди. Корхонада кўп йил ишлаган, ўзининг қалб қўри, дил меҳрини унинг истиқболига бағишлаган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, устоз ишчилар билан суҳбатлашиб қолсангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

— Завод кўз ўнгимизда қад ростлади, — дейди корхона директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Ҳотам Рустамович Абдураҳмонов. — 1959 йили заводда оддий шогирд бўлиб ишлаганман. Ўша пайтлари корхонада унчалик шарт-шароит йўқ эди. Жойлар тор, бўлинмалар учун бино етишмасди. Бошқачасига айтганда, бу ерда ўзинг учун ўл етим қабилида кайфият ҳукм сурарди. Йиғилишларда юқоридан келган раҳбарларга бу ҳақда арз қилсак, қўлларингдан келса қуриб олинглар, дейишарди. Кўпчилик билан кенгашиб, ҳашар усулида эҳтиёжимизга керакли участкаларни қуришга киришдик. Ана шу йўл билан 1962 йили сепаратор ишлаб чиқарадиган бўлим ишга туширилди. 1963 йили ўзимизда ролик ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 1965 йили асбобсозлик ва механика участкалари, бошқа линиялар барпо этилди.

Орадан ўтган 35 йил бир йигитнинг камолот йўлини белгилайди. Бу вақт ичида аҳил, ишчан жамоамиз навқиронлашди. Зиммадаги вазифаларни бажаришга, давлат буюртмасини адо этишга масъулият кучайди. Менинг ўзим дастлабки йилларда силлиқловчига шогирд бўлдим. Бир неча йил созловчилик қилдим. Смена устаси, кейин катта уста, сўнг директор ўринбосари бўлдим. Қайси ишда ишламайин, ишчи деган номни оқлашга, уни доимо юксак тутишга интилганман. Касбдошларим ҳам ана шундай туйғу билан яшаган, ишлаган. Уларнинг кўпчилиги билан ҳали ҳам бирга, ёнма-ён ишлаяпмиз.

Ҳар бир жойнинг ўз чинорлари бўлади. Заводдаги кўпчилик меҳнат фахрийларини ана шу чинорларга қиёслагинг келади. Уларнинг ҳали ҳам сафдалигига, ҳаловатни унутиб, меҳнатдан лаззат топаётганига қадрдон жамоаси, севимли иш жойи, қасбига меҳри сабаб. Бош технолог Илья Гороховский, техника назорати бўлими бошлиғи Нина Иванова, цех бошлиғи Ғайрат Азимов, ишчи Шавкат Толипов, механик Павел Пирогов, созловчи Владимир Зелинский, ишчи Екатерина Гораховскаянинг меҳнат дафтарчасини варақлаб қолсангиз, таажжубга тушасиз. Улар 30—40 йилдан буён бир жойда ризқини топишмоқда.

Устоз ишчиларнинг бой амалий тажрибалари ёшларга ҳам қўл келаяпти. Созловчи Виктор Прохоровский, ишчи Ильдус Гарифулин, уста Владимир Анисимов сингари ўнлаб ўз касбининг жонкуярлари уларнинг йўлидан боришди, ҳунар ўрганишди, корхонанинг фахрига айланишди. Уларнинг самарали фаолиятлари эвазига корхона цех ва участкаларида иш қизғин бормоқда. Асосий маҳсулот — Т—2, Т—2А, Т—100 тракторлари учун подшипниклар тайёрлаш, бир зум бўлса-да, бўшаштирилмаяпти.



Ўзингиз ўйлаб кўринг: битта тракторни таъмирлаш учун 28 дона подшипник керак. Агар у бўлмаса деҳқоннинг қанотига айланган ҳар қандай техника ҳаракатдан тўхтайди, яроқсиз бир металлга айланади. Жамоа учун ўтган йилнинг сўнгги ойлари оғир келди. Хом ашё тақчиллиги сабабли цехлардаги иш тўхтаб қолди. Шу йилнинг январь ойида ҳам бу қийинчиликлар давом этди. Хом ашё учун маблағ керак эди. Узоқ ҳаракатлардан сўнг банкдан 35 миллион сўм қарз олиниб, турли хил қувурларни сотиб олишга ажратилди. Собиқ иттифоқ таркибидаги эски ҳамкорлар — Череповецк пўлат прокати, Новосибирск ва Новоуральск мис заводлари билан иқтисодий алоқалар қайта йўлга қўйилди. Улардан асосий маҳсулот учун керакли хом ашё олиб келинди. Корхонада ҳаракат янада тикланди.

Меҳнат қилган етар муродга, деб бежиз айтилмаган. Ишбилармонлик, тадбиркорлик замон талаби, давр мезонига айланган бир пайтда жамоа ишчилари бундай ҳаракатдан четда қолишмаяпти. Бу — корхона ҳаётидан олинган суратли лавҳаларда ҳам ўз аксини топган. Ўзларининг тинимсиз изланишлари билан янгиликларни жорий этишга эришмоқдалар. Заводда яқинда яратилган чигитдан ёғ олиш аппарати ўзининг оммабоплиги билан кўпчиликка манзур бўлди. Айни вақтда уни кўплаб ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай янгиликларсиз эртанги кунни тасаввур этиш оғир. Янгилик бор жойда эса муваффақият, изланиш бор. Маъмурият ҳамиша шундай фойдали ўзгаришлар тарафдори. Завод директори Зокиржон Юсуповнинг ўзи иш юзасидан кўпгина турдош корхоналарда бўлади. Улардаги янгиликларни қизиқиш билан кузатади ва, албатта, уни ўз корхонасида жорий этишни кўнглига тугиб қўяди. Директор бизга Қозон шаҳридаги подшипник заводида тайёрланган кофе қайнатувчи пластмасса чойнагини кўрсатди. Унинг технологияси оддийгина бўлиб, сувни қайнатишга атиги 2 минут кифоя қиларди. Директорнинг айтишича, энди завод мана шундай харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш билангина шуҳратини ошириши мумкин. Бизнингча, ҳам шундай: халққа арзон, қулай халқ истеъмоли буюмлари керак.

Корхонада бўлганимизда кўпчиликнинг бу ердаги ишчиларга, меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрликлардан кўнгли тўқлигини кўриб қувондик. Айниқса, ижтимоий ҳимоялашга бўлган эътибор диққатимизни жалб этди. Ҳозирги кунда ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 8 минг сўмга тўғри келяпти. Яхши ишлаганлар 10—12 минг сўмдан маош олишмоқда. Бундан ташқари ҳар куни уларга 50 сўмдан овқат пули бериб борилмоқда. Йўл кира учун 10 сўмдан маблағ ажратиляпти. Ўтган ойда завод Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридаги паррандачилик фабрикаси билан маҳсулот айирбошлашга шартнома тузди. Фабрикадан 1,1 тонна товуқ гўшти олиб келиниб, завод ишчиларига арзон нархда сотилди. Ана шу тарзда ишбилармонликнинг яна бир янги қирраси пайдо бўлди. Ишлар юришиб турса, бундай самарали ҳамкорлик бошқа ишончли шериклар билан ҳам йўлга қўйилади.




ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Зокиржон ЮСУПОВ,

ЗАВОД ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ.

Ўтган ойда Туркиядаги OPS фирмасидан келган вакиллар корхонамизга ташриф буюришди. Цехларимизда бўлишиб, амалга ошираётган ишларимиз билан танишдилар. Жамоамиз аъзолари билан суҳбатлашишди. Бу фирманинг халқаро майдонда ўзига яраша нуфузи бор. Тўқимачилик саноати корхоналари учун ўндан зиёд подшипниклар ишлаб чиқаради. Фирманинг цехлари Япония ва Американинг энг сўнгги замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Ишлар тўла махсус программа асосида олиб борилади. Меҳмонлар агар маблағ топсак биз билан амалий ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар. Бизлар ҳам бундай фойдали таклифни бажонидил қабул қилдик. Аммо қандай қилиб, маблағ топишга келганда ўйланиб қолдик. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи 1 тонна металлнинг баҳоси ҳозир 980 доллар. Ҳолбуки, доллар курси тобора ошиб, қарийб 1 минг сўмга яқинлашиб қолди. Аммо шундоқ ҳам корхонамизнинг маҳсулоти замонавий техникага эга бўлган туркиялик ишбилармонларникидан қолишмайди. Подшипникларимизга Марказий Осиё давлатларидан тортиб, собиқ иттифоқнинг кўпгина мамлакатларида эҳтиёж катта. Тюменда, Татаристонда, Шимолий Кавказда, Олтой ўлкасида кўплаб мижозларимиз бор. Улар маҳсулотларимизни катта қизиқиш билан харид этишмоқда ва сифатига ҳеч қандай эътироз билдиришмаяпти. Ўзимиздан ошириб четга маҳсулот чиқараётганимиздан мамнунмиз Аммо баъзи бир муаммолар бу соҳадаги ишларимизга тўғаноқ бўлмоқда. Хом ашёни биз фақат Россиядаги металл ишлаб чиқарувчи корхоналардан оламиз. Бунинг учун таъминотчиларимизнинг ҳисобига олдиндан пул ўтказишимиз керак. Аммо бизда банк тизими ҳали тўла такомиллашмаган. Ўтказилган маблағ тегишли жойга бир неча ойлаб бориб тушмайди. Новоуральскдаги заводга қувур олиш учун ўтказилган 19 миллион сўм пулимиз шундай бўлди. Беш ярим ой дегандагина у анз шу корхона ҳисобига бориб тушди. Бу орада эса металлнинг нархи бир неча ўн баравар ошиб кетди. Яхшиямки улар билан 20 йиллик иқтисодий алоқаларимиз бор. Акс ҳолда хом ашё тақчиллигини ҳали ҳам тортаётган бўлардик.


Бу биргина бизнинг бошимизга тўшган савдо эмас. Банк фаолиятидан кўпгина корхона ва муассасалар қониқмаяпти. Бошқачасига айтганда, бу тизимдаги сусткашлик ишбилармонлик йўлига ғов бўлмоқда. Менимча, бу ҳолга барҳам бериш вақти етди. Банклар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кескин амалий чоралар кўрилмас экан, ички бозоримизни маҳсулотга бойитиш орзуси ҳали-бери юзага чиқмайди.




Бизни бир неча ойдан бери ташвишга солаётган яна бир муаммо бор. Заводимиз бир йилда 600 минг дона подшипник ишлаб чиқариш, бир миллион донагача эски подшипникларни қайта таъмирлаш қувватига эга. Шунинг 100 минг донаси республикамиз эҳтиёжига кифоя қилади. Қолганини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги буюртмачиларимизга етказиб берамиз. Аммо маҳсулотни четга чиқариш учун лицензия олишда айрим муаммоларга дуч келяпмиз. Бу масалада олдимизда маълум тўсиқлар, қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти шароитида вақтни бой берган нақдидан айрилади. Лицензия олингандан кейин завод билан божхона ўртасида ҳафталаб югуришимизни айтмайсизми? Бундай ташвишлар фақат вақтни олади. Имкониятингни ўғирлайди. Мен божхона хизматини такомиллаштириш тарафдориман. Эҳтимол бу ишни саноат корхоналарида божхона бўлимларини очиш йўли билан ҳал қилса бўлар. Ҳар ҳолда бу масалага суст қарамаслик керак. Чунки корхонамиз хом ашёни фақат четдан олади.

Шундай экан, республикамиз эҳтиёжидан ортган маҳсулотни четга сотсак, зиён кўрмаймиз. Бунинг қонунга зид келадиган томонлари ҳам йўқ. Агар бу иш тўхтатиб қўйилса, заводимизнинг эртанги фаолияти хавф остида қолади. Четдан келаётган хом ашёнинг йўли беркилади. Қолаверса, Ростовдаги подшипниклар заводи тармоқнинг пешқадами. Унинг ишлаб чиқариш қуввати бизнинг корхонага нисбатан икки баравар юқори. Буюртмачиларимиз биздан наф бўлмагач, улар томон оғиб кетиши мумкин. Кейин нима бўлади? Заводимизда иш тўхтайди. Охир оқибатда ҳозиргидан беш-ўн баравар қиммат нархда четдан подшипник олиб келинади. Менимча ҳозир бизга узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони афзал.

Тўғри, ўтиш даври ҳеч кимга осон кечмаган. Республикамизнинг давлат мустақиллиги ҳам ана шундай қийинчиликлар, иқтисодий муаммолар етилган бир пайтга тўғри келди. Ҳозир ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини ҳаммамиз кўриб, тушуниб турибмиз. Бозор иқтисодиётининг механизмлари тўла ҳаракат қилмас экан, ишда ўзгариш ясаш оғир. Бунинг учун аввало ҳар бир жойида меҳнат интизомини кучайтириш лозим. Янгиликларга кенг йўл очиш керак. Ана шундагина мустақилликни мустаҳкамлашга, истиқболга юз тутган республикамизнинг нуфузини оширишга эришамиз.






Тошкент 33-подшипник заводи

Фурсатни бой бермай, шошилинг! Сиз ҳар бешинчи подшипникни бепул оласиз!

БАРЧА ТУРДАГИ ИШЛАТИЛГАН ПОДШИПНИКЛАРНИ КАТТА-КИЧИКЛИГИГА ҚАРАБ ҲАР ДОНАСИНИ 27 СЎМДАН 352 СЎМГАЧА БАҲОДА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Камида 2. 000 дона ишлатилган подшипниклар туркумини топширган четда яшовчилар транспорт харажатлари бир томонга тўланади. Шунингдек, уларга янги подшипникларни олишда қулайлик кафолатланади.



КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент 33-подшипник заводи Россия, Украина Белорусь, корхоналарининиг исталган хилдаги подшипникларини эркин сотишга киришди. Подшипниклар турлари ва уларни етказиш шартлари билан заводнинг ўзида танишиш мумкин.

Мурожаат учун манзилгоҳ:

700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 106.

Телефонлар: 48-47-18, 48-64-97.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари.

ҲОМИЙ: Шароф Рашидов фонди.

Нашр учун масъул Т. ЭШБЕКОВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12, 32-54-14.

Индекс 75487.

Саҳифани «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари Алишер Рўзиев ва Рустам Аҳмадалиев тайёрлади.

Суратлар муаллифи Марат Болтабоев.

• СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОР



СЕНГА КЎНГИЛ БЕРСАМ...

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОБОМУРОД ҲАМДАМОВ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ҲИКОЯ

Амакиси Очил қори Носиров скрипкада берилиб куй чаларди. У камонни шу қадар маҳорат билан нозик тортардики, скрипка торларининг нолалари қалбларни зир титратарди.

ВУЖУДЛАРНИ чулғаб олган куй эса аста-секин дардли қўшиққа айланарди. Амакисининг овозида юрак торларини «чертиб» кетадиган нола бор эди. У байрамларда, тўйларда, дўстлари даврасида жўшиб-жўшиб куйларди. Бутун борлиғи қўшиққа айланиб, юраклари завқ-шавқдан қинига сиғмаётган тингловчилар орасида қорачадан келган майизранг бола Бобомурод ҳам бўларди. У амакисига яқинроқ туриб мижжа қоқмай, ҳайрат билан скрипка торларига термулар, қулоқларига сеҳрли куй ва қўшиқдан бошқа нарса кирмасди. Унинг кичик танаси гўё қўшиққа айланиб, аллақаёқларга парвоз қилаётган қушга ўхшарди. Куш эса қанотларини оҳиста-оҳиста силкитиб, олис-олисларга учиб кетаверади, кетаверади... Боланинг эса қўшиқ эшитган сайин кўпроқ ўша қушга айлангиси, қуш бўлиб яна ҳам юксакларга учгиси келаверади... келаверади.

Бу сирли-синоатли ва сеҳрли ҳолат унинг қалбини кейинчалик ҳам тарк этмади. Мактабга бориб, рубоб чалишни машқ қилганда, ўзича қўшиқ хиргойи эта бошлаганда нуқул парвозга шайланаётган қушга айланаверарди. Амакисидан «Қиз мулойим», «Дайди» ҳинд кинофильмидан «Овора» қўшиқларини ўрганиб мактаб саҳнасида, илк бор дўстлари даврасида куйлаганида ҳам — ўзини ўша беором қушнинг қанотларида кўрди. Қуш эса гоҳ куй бўлиб, гоҳ қўшиқ бўлиб унинг теграсида ҳадеб чарх ураверди... ураверди.

Болалар: «Бобомурод айтсин, Бобомурод айтсин!» дейишарди, чапак чалиб.

Катталар: «Илоё, ёмон кўздан ўзи асрасин» дейишарди дуо қилиб... Колхозда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган отаси Ҳамдам Носиров эса ўғлининг математик бўлишини истарди. Ҳеч бўлмаганда чўт уришни ўргансин, дерди. Қайда? У бўлса мусиқа муаллими Раҳимжон Рўзиевдан тинимсиз мусиқа сирларини ўрганарди. Уни энди скрипка эмас, рубоб торларининг ноласи батамом ошно этган эди. Ҳатто тушларида куйиб-ёниб қўшиқ «куйлаб» чиқарди. Фикри-ёди қўшиқда эди боланинг.

Ўрта мактабни тугатиб, Бухородаги ҳунар-техника билим юртини битириб, Чоржўй қурилиш бригадасида кранчи бўлиб ишлаб юрган кезларида ҳам Бобомурод Ҳамдамовни қўшиқ бир лаҳза тарк этгани йўқ. У қаерда бўлмасин, қаерда ўқиб, ишламасин қўшиққа умрбод боғланиб қолганини юрак-юрагидан ҳис этди. Қўшиқ унинг умрига, тақдирига айланди.

Қўшиқ — толмас қуш бўлиб, уни олис-олисларга олиб учди. Қўшиқ — юлдуз бўлиб, уни мудом ўзига чорлади. Қўшиқ — ой бўлиб, у чиқ-маҳаналарни ёритди. Қўшиқ — гоҳ Ширин, гоҳ Лайли бўлиб, уни ҳажрида ёндирди. У Ошиқ Ғариб, қўшиқ эса Шоҳсанам бўлди:

Мен сенга айтайин,
гул ёзли ёрим,
Сенга кўнгил берсам,
унда ёр йиғлар.
Олибсан сабримни,
йўқдир қарорим,
Сенга кўнгил берсам,
унда ёр йиғлар...

Ошиқнинг ҳолатини сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Бунинг ҳеч бир иложи йўқ. Фақат қўшиқ тинглаш, тинглаб юракнинг энг дардли нуқтасига муҳрлаш мумкин. Эй бечора ошиқ, эй шўрлик ошиқ, анда ёринг бўлса, ишқ бозорида не савдо айлаб юрибсан. Боз устига унга тағин кўнгил бериб қўйибсан-а! Бир ёнганинг етмасмиди, куйган ошиқ?... Ахир қисматинг юракларни сел қилди-ку! Нолалари чунонам дилни ўртадики, энди бунинг тафсифига сўз йўқ, телба ошиқ. Яна фарёд қиласанки: «Сенга кўнгил берсам, анда ёр йиғлар...»

* * *

Унинг ягона орзуси машҳур ҳофиз, Амудай улкан овоз соҳиби, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовни кўриш, кўриб унга имтиҳон топшириш, агар синовдан «ўтса» ундан оқ фотиҳа олиш эди. 1965 йилда Бобомурод Ҳамдамов бу катта орзусига етишди. Қўшиқ уни Комилжон Отаниёзов билан юзмаюз қилди. Оёқлари титради, рубоб тутган қўллари қалтиради, овозини кимдир бўғиб тургандек бўлди.

У биринчи учрашувдаёқ устозга ҳиндча қўшиқ айтиб берди. Лекин қўшиқни эшитиб устознинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Яна айт, деб имо қилди унга. У яна ҳиндча қўшиқ айтди. Комилжон ака узоқ вақт жим қолдилар. Сўнгра жиндай танбеҳона оҳангда шундай деди: «Бу қўшиқларинг яхши, ҳиндлардаги овоз жозибаларини анчагина ўзлаштирибсан, лекин ўз она тилингда ҳам худди шундай юракка тегадиган қўшиқлар айтишни ҳам ўрганинг. Ҳеч бир нарса ўз қўшиғингга етмайди, болам. Аммо ўзингникини қойил қилиб, кейин бошқа халқлар қўшиқларидан ижро этсанг арзийди, ярашади. Ўшанда мухлислар орттириб, уларнинг раҳматини оласан». Устознинг бу доно ўгитлари у учун бир умрлик сабоқ бўлди. Гўё ижод йўлини белгилаб берди. Бу ҳақда оҳанда шундай дейди:

— Комилжон Отаниёзов билан Тошқовуз вилоят филармониясида ишлаш, то умрларининг охиригача ёнларида юриб ўрганиш менга миллий мусиқа билим даргоҳини ўқиб тугатгандай катта сабоқ берди. Устозда беқиёс овоз билан бирга сўз танлаш, мусиқа басталаш қобилияти ҳам юксак эди. Халқ достонлари ва классик шоирларнинг ғазалларини пухта биларди. Ўзлари ҳам шеърлар битган. Агар сўзни бузиб айтсанг, уришиб берарди. У киши санъаткорнинг одоби, ахлоқи ва камтарлиги ҳақида кўп гапирарди. «Агар санъатинг бутун бўлса ҳам ярим ҳисобланади, яримини тингловчи тўлдиради. Яъни, санъатинг ярим, одобинг ярим — икки ярим бир бутун бўлади», дердилар. Ўзлари эса умрбод айтган сўзларига амал қилиб ўтдилар. Устоз ўзлари айтганидек, бутун санъаткор эди..

Мен Комилжон Отаниёзов яратган бебаҳо мактабни тугатиб элга танилдим. Агар қўшиқчилик соҳасида бирор муваффақиятга эришган бўлсам улуғ устозимдан умрбод миннатдорман. У кишининг руҳи олдида тиз чўкаман. Ўлмас санъати ва хотираси олдида доим бош эгаман. Комилжон Отаниёзов яратган мактабдан ҳали қанча-қанча авлодлар сабоқ оладилар, ўрганадилар Бунга шубҳа йўқ!.

ТАҚДИРНИНГ қизиқ ва шафқатсиз ўйинлари бор. Оғир хасталаниб ётган Комилжон Отаниёзов 1975 йилнинг октябрида фарзандидек қадрли бўлиб қолган шогирди Бобомурод Ҳамдамов туғилган юрт — Чоржўйга боради. Унинг келганини эшитган мухлислар қўшиқ айтиб беришини қайта-қайта илтимос қиладилар. Ўлкан санъаткор, мухлислар юзидан ўтолмай саҳнага чиққанида оёқларида мадор, қўлларида, бармоқларида дармон йўқ эди. Ёнида фақат ёлғиз суянчиғи — шогирди бор эди, холос. Шу боис ҳам залдагиларга ишонч билан боқди. Лекин бу машҳур ҳофизнинг қадрдон томошабинлари, жонажон мухлисларининг қўшиқ тўла кўзларига сўнгги бор термулаётганини ёлғиз Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмади.. Бор-йўғи олтита қўшиқ айтди. Руҳи тетик бўлишига қарамай анча чарчаб қолди. Ҳансираб нафас олди. Гўё аллақандай дард танасини зирқиратиб, қаёққадир чиқиб кетмоқчидай эди..

Орадан саноқли кунлар ўтди. Тошкентдан келган совуқ хабар, совуқ қор билан қалбларни музлатди. Сўнг устоз хотирасига бағишланган марсия юракларни йиғлатди:

Полвон эдим,
ғайратимдан айрилдим,
Уммон эдим,
ҳиммат имдан айрилдим,
Вақти-бевақт устозимдан айрилдим,
Устозимнинг боди ҳазон олиб кетди,
Юрагимни доғи ҳижрон олиб кетди.

Ўз ижро услиби ва йўлига эга бўлган Бобомурод Ҳамдамов миллий қўшиқлар билан бирга Марказий Осиё халқлари ашулаларини ҳам катта маҳорат билан ижро этиб келмоқда. У туркманча «Елпеси», «Сайёдинг», «Меҳрижамол», «Қизлар», «Жананни галтир», тожикча «Камар борик», «Майда майда ме рақсед» сингари ўнлаб қўшиқларни худди ўша халқлар оҳангида миллий қочирмалар билан куйлайди. Машҳур афғон булбули Аҳмад Зоир қўшиқларини Б. Ҳамдамов алоҳида бир меҳр билан ўрганиб, худди машҳур хонандадек чуқур дард билан ижро этади. Масалан, унинг ижросидаги «Ширин суханиро», «Соқий биё», «Боз омади» каби ашулаларни Афғонистонда ҳам ўз ҳофизлари куйлагандек қизиқиб тинглашади. Бу эса Аму соҳилларида яшаётган қадим халқларнинг қўшиқлари дилдош дарддошлигини кўрсатади. Ҳатто 1987 йили Америкага қилган ижодий сафарида ҳам бу ҳолат намоён бўлади. У ерда яшаётган ўзбек, тожик, туркман, афғонлар хонанда қўшиқларини кўзда ёш билан тингладилар.

Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати, машҳур санъаткор Жўрабек Муродов Бобомурод Ҳамдамов ижодига шундай таъриф беради:

— Истеъдодли ҳофизимиз Бобомурод Ҳамдамов Амударё бўйларида қадим-қадимдан яшаб келаётган — ўзбек, туркман, тожик, афғон, қорақалпоқ халқлари қўшиқларини юракдан ёниб куйлайди. Шунингдек, у Шарқ мамлакатлари халқлари қўшиқларини ҳам алоҳида бир дард, ўзгача бир меҳр билан ижро этадики, қойил қолмай иложимиз йўқ. Айниқса, ҳинд қўшиқларини жозиба билан куйлаганда унга ҳавас қилса арзийди. Узга тилларда куйлаш, куйлаб мухлисларни мафтун этиш ниҳоятда мушкул вазифа. Лекин севикли санъаткоримиз, ажойиб дўстимиз Бобомурод Ҳамдамов бу ўта қийин юмушни шараф билан адо этиб келаяпти. Унинг санъатига, ўтли ва дардли овозига яратганнинг ўзи барака берсин. Ёниб-ёниб куйлашдан асло чарчамасин!..

Ҳинд қўшиқлари хонанда репертуаридан алоҳида ўрин тутади. Унинг «Уч денгиз оша саёҳат», «Дайди», «Менинг исмим масхарабоз», «Сангам»,« Байжу Баврa» каби машҳур ҳинд кинофильмларидан ҳиндларга хос маҳорат ва дард билан ижро этган завқли қўшиқлари аллақачон тингловчилар қалбидан жой олган.

1982 йили бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII халқаро Тошкент кино ёнжуманига жаҳонга машҳур ҳинд санъаткори Раж Капур ҳам ташриф буюрган эди. Ўша кунлари «Ўзбектелефильм»да «Бобомурод Ҳамдамов куйлайди» ҳужжатли фильми суратга олинаётган эди. Режиссёр унга ҳиндча қўшиқларини ҳиндистонлик киночилар ҳузурида айтиб турган ҳолда суратга олишни таклиф қилди. Бу учрашув чинакам катта концертга айланиб кетди. Гоҳ ҳиндистонликлар, гоҳ Бобомурод Ҳамдамов бир-бирлари билан гўё мусобақалашгандай узоқ куйлашди. Унинг ижросидаги ҳинд қўшиқларини эшитиб ҳайратга тушган Раж Капур: «Мен ҳиндистонлик тенгсиз ҳофиз Мукешни Америкада йўқотиб (Мукеш АҚШда концерт бераётган пайтда тўсатдан ҳалок бўлган), Ўзбекистонда топдим», деб юксак баҳо берган эди. Сўнг Камина шеъри билан айтиладиган «Қоракўз гал-гал» қўшиғини Раж Капур янги фильми учун ёзиб олди. Бу нафақат Бобомурод Ҳамдамовнинг, балки ўзбек қўшиқчилигининг ҳам ютуғи эди..

1989 йилда Бобомурод Ҳамдамовнинг яна бир дилдаги орзуси ушалди. У Раж Капур Ватанига бориб, қўшиқпараст ҳиндистонликлар қалбидан жой олди.

— Ҳиндистонда йигирма кун концерт бердик,—деб эслайди хонанда. — Лекин ўша кунлар ҳозир худди тушга ўхшайди. Ҳиндлар санъатни жонларидан ортиқ яхши кўрарканлар. Қўшиқнинг сўзига, мусиқа билан уйғунлашган ўринларида чапак чалишади. Улар йиғлаб олқишлаганда, мен ҳам йиғлаб куйладим. Жўр бўлиб: «Мукеш, Мукеш!» дейишади. Уларнинг қўшиқларимизга юксак баҳо беришлари сабабини кейин тушундим. Ҳозир ҳинд қўшиқчилик санъатига Оврупанинг турли шовқин-сўронли мусиқаси оҳанглари кириб келаётганидан кўпчилик норози экан. Мен халқ йўлида айтганим учун ҳам уларга ёқибди. Ўз миллий санъатини қадрлашни, севиб-ардоқлашни, жаҳонга олиб чиқиб, бошқа халқларга манзур қилишни фақат ҳиндлардан ўрганиш мумкин..

1991 йил 1-2 октябрь кунлари Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон диёрида илк бор Ҳиндистон санъат усталарининг катта концерти бўлиб ўтди. Унда бутун дунёда машҳур «Ранжани» Ҳиндистон халқ ашула ва рақс ансамбли Бобомурод Ҳамдамов иштирокида театрлашган томошалар намойиш қилди. Бу концерт хонанда ижодида ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолди.

* * *

БИР гал у туш кўрди. Тушида ўлиши керак экан. Уни ўрнидан турғазиб «ҳукм ижро» этиладиган қандайдир даҳшатли бир жойга олиб кетишмоқчи. Лекин у олиб кетувчиларга ёлворибми, илтижо қилибми: «Феруз»ни яна бир марта радио учун айтай, ёзиб олишсин, кейин ўлсам майли» дермиш. Ажал «элчилари» эса зўр бериб, уни олиб кетишга уринишармиш. У бўлса «Феруз»ни айтай, «Феруз»ни айтай» деб дод солиб йиғлармиш... Уйғониб кетса кўзлари нам, юраги ҳапқириб ураяпти-ю, хаёлида «Феруз». Аслида унинг орзуси шундай: устозлар куйлаб ўтган машҳур «Феруз»ни қайтадан айтиб, қайтадан ёздириш...

Бу ўлмас қадим ашула таърифга сиғмайдиган ишқ ва армон қиссасига ўхшайди. Уни ҳофизлардан Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров ўз ижро йўлларига хос қочиримлар, фарёд ва нолалар билан куйлаганлар. Аммо Бобомурод Ҳамдамов куйлаган «Феруз» ўзининг юракларни тилка-пора этувчи ноласи, авжлардаги туғёнлари, юксак руҳи билан ажралиб туради. Айниқса, дардли овоз авж пардаларга янграганда гўё юраклар қинидан чиқишга шайланади, мусиқа қудратидан титрайди. Ёниб куйлаётган хонанда каби тингловчилар ҳам беихтиёр қушга айланиб, қанот қоқади, вужудлари тошқин селга айланади. Аслида ашуланинг жозиба кучи ҳам шундай! Тингловчиларни қушга айлантирган санъаткор эса бахтлидир.

«Бобомуроднинг ўз «Феруз»и бор. Авжи чақмоққа ўхшайди. Нақд юракни тилади» деган эди хонанданинг дўсти ва мухлиси раҳматлик Абдузоир ака Абдуқодиров. Бундай холис баҳони унинг ҳар бир мухлисидан эшитиш мумкин. Мухлисларнинг эса ҳисоби йўқ, улар берган таъриф қоғозга сиғмайди.

Санъаткор ҳар доим изланиб, янги қўшиқ дардида тўлғаниб яшайди. Ҳар сафар саҳнага албатта янги қўшиқ билан чиқади. Янги қўшиқ яратиш машаққатли ва турфа изтиробларга уйғунлашган жараёндир. Унда хонанда сўз танлайди, сўзга мос куй излайди. Куй юрак қаърида яширинган булоқ. Фақат ана шу булоқнинг кўзини очадиган ўтли сўз, дардли нола топиш керак. Бу жараённи хонанда шундай изоҳлайди:

— Янги қўшиқ яратилмайди. Туғилади! Кутилмаганда қалбингда бир оҳанглар пайдо бўлади. Уни дарҳол жиловлаб қолиш керак. Йўқотиб қўйсанг тополмайсан. Бундай ҳолатларни магнитафонга ёзиб олиб, кейин қайта -қайта ишлайман... Қўшиққа сиёсатни ё бошқа чет нарсаларни аралаштириб бўлмайди. Унда қўшиқ ўлади. Шунингдек, қўшиқ куйлашда тақлидчилик ҳам кетмайди. Бировларда талант бор, овоз йўқ. Бошқа бировларда овоз бор, талант йўқ. Шу икки ҳолатни уйғунлаштирмаган қўшиқчининг боши тақлиддан чиқмайди... Халқимиз яратган ўлмас достонлар, термалар, лапарлар жону таним. Уларни қайта-қайта ўқишдан, ёдлашдан, куйлашдан асло чарчамайман. Уларни болалигимдан севиб ўқийман. Достонлардаги қаҳрамонлар дунёси руҳимга жуда яқин. Шундай халқчил термалар борки, ўқиш жараёнида, ўзи-ўзидан қўшиққа айланиб кетади... Кўпроқ файласуф шоиримиз Эркин Воҳидовнинг дилбар ғазалларини қўшиққа айлантиряпман. Шоир ғазалларидаги сўзлар равон, маъноси теран. Фақат яхши куй, авж ва мисралар қатидаги дардни топиш керак. Қолганини тингловчи баҳолайди. Ниятим хонанда бармоқларидан тор симларининг излари кетмасин!..

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум сенга,
Не балолиғ кун эдиким,
ошно бўлдум сенга...

Ашурали ЖЎРАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ...

Ҳамроқул РИЗО.



ДОИМ ЁНИБ ТУРСИН УЙДА ЧИРОҒИНГ

ТУРОН ВА ИНҚИЛОБ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон Республикаси байроғи кўтарилганлиги муносабати билан:

Тикка турди инқилоб,
Кўкрак керди инқилоб.
Онажоним Туронга —
Нима берди инқилоб!...
Қонларга ботди фалак,
Мажақ қилинди тилак.
Ота Туроним ери —
Бўлинди бўлак-бўлак.
Нима берганин, ҳатто,
Кўрди ўшанда Худо.
Бой бўласан деди-ю,
Бойликдан қилди жудо.
Мағраб кетди совлиқлар,
Оёқларда чориқлар.
Не берди, билди Турон;
Солинганда солиқлар.
Ҳайдаб кетилди туя.
Қулунсиз қолди бия.
Нон тополмай аёллар,
Йиғлади куя-куя.
Супра элаксиз қолди,
Қудуқ челаксиз қолди.

Том устини қор босди,
Томлар кураксиз қолди.
Юрганда йўлин йўқот,
Боғларда гулин йўқот.
Чингизхон айтган: «Элни — Қул қилсанг, тилин йўқот».
Йўқолди Турон йўли,
Боғларда сўлди гули.
Тошнинг остида қолди,
Ҳазрат Навоий тили.
Товуқ етмай донига.
Етим етмай нонига.
Файзулла ва Чўлпонлар,
Бўялди ўз қонига.
Обод этди деҳқонлар,
Тошбақа турмас чўлни.
Тиканин ўзи олиб.
Юртга узатди гулни.
...Уруш. Қалб тўлди додга,
Суяндинг сен саботга.
Турон топганларингни —
Йўллаб турдинг фронтга.
Бўридай увлаб шамол,
Кўкда йиғлади ҳилол.
Хрушчёв даври келгач,
Молларга келди завол.

Деҳқон адашса — бир йил,
Чўпон адашса — қирқ йил.
Гўшт нархи осмонлигин —
Ўшандан эканин, бил!
...Кейин, яна боса-бос,
Қоғоз қамашга асос.
Бу иш бошида турди,
Анишчевдек лўттибоз.
Чопишади қулонлар,
Чўлда солиб суронлар,
Не зотга заҳар сочди,
Сатиң отли илонлар.
Гдлян келди сўзлаб,
Шилиб олмоқни кўзлаб.
Бир араба боласи,
Бўлганлар қолди бўзлаб.
Тоғ кучи келди селдан,
Тойиб кетмадинг йўлдан.
Гдлян жаллодларин —
Қиличи тушди қўлдан.
Самога чиқди ҳилол,
Дилни яйратди шамол.
Онажоним Туронга,
Охир келди истиқлол.
Инқилоби хатодир,
Ҳурликка тош отадир.
Қонинм юракка сиғмас,
Жонинм сенга фидодир.

ЎЗБЕКИСТОН

Доим тиниқ бўлсин ичган булоғинг,
